



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 168-169 (12.229-12.230)

Баҳоси эркин нарҳда



21

O'ZBEKISTON

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ  
«ЎЗБЕКИСТОН  
ҚАҲРАМОНИ»  
УНВОНИНИ БЕРИШ  
ТҮҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миёсидаги шоншуҳратини юксалириш, ислоҳотларни янада чукурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узок йилик фидокорона меҳнати ҳамда миллӣояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англашга ва ёш аводни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга кўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди, олий нишон – «Олтин юлдуз» медали топширилсинг:

**Турдиев Содикжон** – Асака тумани «Асака жилоси» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Камилов Халиджан Махамаджанович** – Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмологоғия кафедраси профессори, Тошкент шаҳри

**Шаймов Мирзахмат Исматович** – «Сирдарё иссиклиқ электр станцияси» очик акциядорлик жамияти бош мухандиси, Сирдарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 23 август



Турдиев Содикжон



Камилов Халиджан  
Махамаджанович



Шаймов Мирзахмат  
Исматович

## ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» республика қўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишинган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлиги, Журналистлар ижодий ўшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий ўшмаси, Миллий телерадиокомпания, Бадиёт академия, Мустақил босми оммавий аҳборот воситалари ва аҳборот агентликлари қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий аҳборот воситалари миллӣ асоциацияси, Ёзувчilar ушумаси, «Ўзбекконо» миллӣ агентлигидаги каби ташкилотлар ҳамкорлигига ўтказилган мазкур танлов якунига бағишинган тадбирга сенаторлар, депутатлар, турили вазирлар ва идоралар, ижодий яхомаат ташкилотларининг вакилари таклиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий ўшмаси радио Ш. Гуломов, Матбуот ва аҳборот агентлиги бош директори Б. Алимов Президентимиз раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат килиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун улкан имкониятлар яратилганини тъънидиди.

Хар йили кутлуг айём – Мустақиллик байрами арасида ўтказилётган «Энг улуғ, энг азиз» республика қўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад барча жаҳбаларда кечайтган ислоҳотлар, асрларга татиғулар иотуқларининг моҳиятини ёрқин, тъясирчан тарзда ҳалқимизга етказиши, аҳоли қалби ва онгига ватанпарварлик, фидойилик, мамлакат тақдирни учун масъулиятни терсан ҳисс этиши гояланни мустаҳкам қарор топтиришдан иборатdir.

Хар йили кутлуг айём – «Тақдиримсан, баҳтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган эзгу гояни ўзида мухассам этган ушбу танлов адабиёт, оммавий аҳборот воситалари, кино, тасвирий санъат сингари йўналишларда фидокорона меҳнат килаётган ижодкорларни аниқлаш, фаoliyatiniни ҳалқимизга яқиндан танишитириш, уларни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий мар-

ралар сари илхомлантаришдек эзгу мақсадларга хизмат килимода.

Ижодий танловда қатнашиш истагидаги ижодкорлар сафининг йилдан йилга кенгайтириш бораётгани унинг нуфузи ва аҳамиятидан далолатид. Жорий йилги танловнинг республика босқичига турили йўналишларда меҳнат қилаётган 258 нафар ижодкорнинг 2493 ижодий иши қабул килинди. Бу ҳар йилгидан анча кўпдир. Тақдим этилган асрларда мамлакатимизда барча соҳаларда ёришилаётган улкан иотуқлар, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, ҳалқимизнинг тинч ва осуду ҳёти. Ватанинг қудрати ва салоҳияти, ҳалқаро миёсдаги обўр-эътибори нинг тобора ортиб бораётгани ўзига хос ижодий ёндашуда асосида чукур таҳлили тарафда очиб берилган. Шу билан бирга, оипаларни мустаҳкамлаш, айниска, ёш оипаларни қўллаб-куватлаш, маҳаллаларнинг жамият ҳаёти, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятни кучайтириш, ҳамюртларимизнинг тадбиркорликса оид илгорға яхши ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиши борасидаги ишларни ёритишга алоҳида ётибор қаратилган.

Мехр, эзоз ва ётибор ижод ахлига қанот багишилайди, – дейди танлов голиби, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Sport» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири Зулфизар Каримова. – Ватан – ҳар биримизнинг тақдиримиз, келажагимиз, баҳти иқబолимиз билан чамбарчаси. Мустақиллик, унинг чексиз имкониятлари, бугунгич тинч ва осоишта, ёрғу ва дорилмон қуналаримиз барча ижодкорлар унчин чамбарчаси. Ариклар, лотоклар, оқава сув қудуклари тоналанди, кўча ва ўйлаклар текисланади, барча турар жой мавзелари, ма-

Назокат УСМОНОВА,  
Ўз мухбари

## ТАҚДИРИМСАН, БАҲТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Мамлакатимизда**  
Мустақиллигимизнинг  
күтлуг йигирма бир  
йиллигини муносаб кутиб  
олиш мақсадида қўллаб  
замонавий иншоотлар,  
маҳалла гузарлари,  
ёшларнинг билим ва ҳунар  
ўрганишлари учун  
мўлжалланган таълим  
даргоҳлари куриб  
битказилмоқда. Ҳар бир  
соҳа вакиллари байрамни  
муносаб совғалар билан  
кутиб олиш ҳаракатида.



### ЯНГИ АВТОБУСЛАР – АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Жумладан, йўловчиларга қуляйликлар яратиш бораётсида ҳам катор ишлар амалга оширилмоқтад. Замонавий қуляйликларга эга бўлган автобуслар шахримиз бўйлаб ҳаракатланадайтганини кўриб, кўзимиз кувнайди. Тез орада ана шундай замонавий автобусларнинг сони кўпайиб, ҳамшарларимиз янада хушнуд бўлишида.

Зеро, кече пойтахтимиздаги «8-Автобус саройи» ОАҲга жорий йилда шахримизга келтирилиши режалаштирилган 100 ta Mercedes-Benz Conecto Low Floor русумли автобусларнинг 25 таси олиб келинди.

— Мамлакатимизда иқтиодиёт тармокларни ривожлантириш мақсадида амалга оширилмоқтад. Замонавий қуляйликларга эга бўлган автобуслар шахримиз бўйлаб ҳаракатланадайтганини кўриб, кўзимиз кувнайди. — дейди «8-Автобус саройи» ОАҲ бошқаруви раиси Тоҳир Иматов. — Айни кунларда Энг улуғ ва азиз байрам – Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллигини муносаб кутиб олиш ва танланалини шонлаш учун катта тайёргарлик ишларни кетмоқда. Янги русумли автобусларнинг шахримизда қўчаларидан қатнай бошлаши Мустақиллигимизнинг 21 йиллик таълимни замонавий ва қулаиди.

Янги автобуслар бекаму кўст хамшарҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг узогини яқин килади. Яъни, саноқли кунлардан сўнг янги автобуслар аҳоли хизматида бўлади.

Тақидлаш жоизки, сўнгги 15 йил ичida Mercedes-Benz русумли турли кўринишдаги 1000 га яқин автобус харид қилиниб, пойтахтимиз кўргига кўркўшомда.

Мустақиллик шарофати билан ёришилаётган бундай ушбу ютуқ ва марралар ҳалқимизнинг фарон турмуш кечиришини таъминлаиди.

Зиёда РАСУЛОВА  
Козим Ўлмасов олган сурат

Азал-азалдан ҳалқимиз ўзи яшаб турган манзилни пок ва озода тутишга, теварак-атрофа нағис ва хушбўй гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар экиб, боғлар яратига катта ҳамият берни келади. Кексалар ариқларни тоза тутиш, сувни ифлослантирасмаслик, орасла бўлишига ўргатиб келишиади. Айниска байрамлар, тўй-ҳашамжиҳат ҳашарга чиқиб ҳаммаёни обод қилиши бетакрор удумларимиздан.

### ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР 25-26 август умумхалқ ҳашари

Истиқол йилларида ҳам бу айнана бардабом бўлиб келмоқда. Пойтахтимизда ҳар шанба куни тозалик куни деб ёзлон қилинган. Энг азиз, ёнг улуғ байрам арафасида эса умумхалқ ҳайрия ҳашарни ўштириши яхши айланди.

Куни кече Тошкент шаҳар ҳокимигининг «2012 йил август ойида Тошкент шаҳрида обondonлаштириш ва тозалик ойлигини замонавий 25-26 август кунларни таълимни замонавий ҳайрия ҳашарни ўтказтиш тўғрисидаги ҳарори қабул килинади.

Азиз ҳашарҳарлар ҳалқимиз орасида миллӣ қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳроқибати ҳашарларни келинади. Кекса нағорон кишилар, ёғиз қариялар, боркувичини ўйқотлашади. Касаба ҳаминчаликка чалиниши қирқ фоиз ошади. Шу сабабли олимлар гўшт маҳсулотларини кам, сабзавот ва меваларни эса кўпроқ истеъмол қилишини тавсия қилимади.

Камбоджа шимолида кўл тубидан олти дона қадимиий будда ҳайкални топилди.

Тахминан IX асрга оид бу ҳайкалларни кўлда ҳасталигини келтириб чиқарида. Бундай гўштилашади мунтазам истеъмол қилинган кишининг касалликка чалиниши қирқ фоиз ошади. Шу сабабли олимлар гўшт маҳсулотларини кам, сабзавот ва меваларни эса кўпроқ истеъмол қилишини тавсия қилимади.

Греция ҳукумати мамлакатда тобора авж олаётган иқтисодий бўхрон оқибатларни бартараф этиш учун молиявий ёрдам сифатида олинган барча кредитларни тўлашга вайда берди.

Маҳаллий оммавий аҳборот воситалари тарқатган маълумотларга карағанда, айни вактда Грецияning бошқа Европа давлатларидан олган қарзи 100 миллиард евродан ошади.

Молдовада жорий этилган янги тартибга кўра йўл-патруль хизмати ходимларининг хайдовчилар билан сұхбат чоғида сакич чайнаши, тамаки чекиши, овнатиларни ва мобил алоқа воситасидан фойдаланиши тақиқланди. Шунингдек, ушбу вазифани бажарувчи шахсларнинг автомобиль ҳайдовчилари билан мавзуддан ташкиришади. Шахсларни шахарни ўтишади.

Молдовада жорий этилган янги тартибга кўра йўл-патруль хизмати ходимларининг хайдовчилар билан сұхбат чоғида сакич чайнаши, тамаки чекиши, овнатиларни ва мобил алоқа воситасидан фойдаланиши тақиқланди. Шунингдек, ушбу вазифани бажарувчи шахсларнинг автомобиль ҳайдовчилари билан мавзуддан ташкиришади. Шахсларни шахарни ўтишади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза килиш масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза килиш ишлари дастурининг ҳамда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Фарғона вилоятида ижросини ўрганиши якунларига багишланган йигилиш бўлди.
- Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар ва хорижлик сармоядорлар иштирокида «Очиқ эшиклир куни» тадбiri ташкил этилди.

- Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик тўйи арафасида юртимиз чироига чироқ кўшадиган бинолар, хиёбонлар, тараккӣёт ва фаровонликка хизмат киладиган йўллар, кўприклар ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Фарғона водийси энергетиклари ҳам ушбу кутлуг санага муносаб тухфа хозирлади. Мамлакатимиз ягона электр тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат киладиган «Кизилровот – Юлдуз» электр тармоғи куриб битказилди. Водий бўйлаб тортилган мазкур электр тармоғининг 26,7 километрлик асосий қисми Наманган вилояти худудидан ўтади.
- Дехқонбодда «Энг намунали хотин-қислар кўмитаси бошланғич ташкилоти» республика қўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўт



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ўТКАЗИЛГАН «ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ФОЛИБЛАРИ

1. Ёзувчи ва шоирларнинг  
бадий асарлари бўйича

1-ўрин:

**Нўймон Раҳимжонов**, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабийт институти бўлим мудири — «Истиқлол ва бугунги адабиёт» номли адабий-танқидий мақолалар тўплами учун

2-ўрин:

**Зикрила Невмат**, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига бирлашган таҳрири бош муҳаррири — «Ватан ҳақида кўшик» китоби учун

3-ўрин:

**Гофур Шермуҳаммад** (Эшмуродов), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси — Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадрингизлар руҳидат тарбиялаш мавзуларидаги «Саман той» кисса ва хикоялар тўплами учун

Рағбатлантирувчи мукофот

**Халима Ахмедова**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси — Замондошларимизнинг дил кечинмалари, аёл қалбининг нозик манзаралари акс этган «Нигоҳ қибласи» шеърий тўплами учун

**2. Носир Муҳаммад**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси — Озод ва обод Ватан, истиклол, ёшлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърлар ва маърифий лавҳалардан тартиб берилган «Сайланма» китоби учун

2. Босма ОАВ ҳодимларининг журналистик ишлари бўйича

1-ўрин:

**Махмуд Абдулфаизов**, «Сурхон тонги» газетаси бўлим мудири (Сурхондарё вилояти) — Мустакиллик йилларида халқимиз ҳаёти, онгу тафаккурида юз берган туб ўзгаришлар ҳақидаги «Юрак ухламайди» номли публицистик мақолалар туркуми учун

2-ўрин:

**Нурислом Тўхлиев**, Иктиносод фанлари доктори — Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари чуқур таҳлил этилган «Тараққиётнинг ўзбек мадели» мақолалар тўплами учун

3-ўрин:

**Анвар Самадов**, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА Республика ахбороти таҳрири бош муҳаррири — Мамлакатимизнинг ижтимоий-сийесий, маънавий ҳаётида амалга оширилаётган кенг кўламли ишҳоҳатлар саамадаларига бағишланган ахборот таҳлилий материаллари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

**1. Елена Нам**, «Правда Востока» газетаси мухабири — Мустакиллик йилларида маънан юқсан, жисмонан соғлом ёшларни вояж етказиш йўлида олиб бораётган бекиёс ишлар, бугунги ёшлар эришаётган ютуқлар ҳақидаги туркум мақолалари учун

**2. Бахринисо Норжигитова**, «Гулистан ҳаёти» газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилояти) — Истиклол даврида вилоят аҳолиси ҳаётида юз берган янгиланишлар ҳақидаги очерк ва лавҳалари учун



3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича

1-ўрин:

**Зулфизар Каримова**, ЎзМТРК «Sport» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири — «Тақдиримсан, баҳтимсан, эркин ва обод Ватан!» номли туркум радиокомпозициялари учун

2-ўрин:

**Иномжон Машарипов**, Коракалпогистон Республикаси «Тўрткўл» телевидениеси бош муҳаррири — Мустакиллик йилларида Коракалпогистон Республикасида амалга ошириланган улкан бунёдкорлик ишлари ҳамда аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратиган кенг қарволи ишҳоҳатлар ҳақидаги кўрсатувлари учун

3-ўрин:

**Манзура Ҳасанова**, ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳаррири шарҳловчиси — Мамлакатимизда демократик ишҳоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижроши бўйича олиб бораётган ишлар таҳлилига бағишиланган туркум репортажлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

**1. Гулзуз Калонова**, ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Бадий эшитиришлар муҳарририяти бўлим мудири — Мустакиллик йилларида тарихи аънаналаримизнинг қайта тиклангани, маданий-мәърифий соҳадаги ишҳоҳатлар жараёни акс этган «Гулшан» радиожурнали учун

**2. Тошпўлат Тугалов**, Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси мухаррири — Истиклолнинг 21 йиллиги арафасида Самарқанд манзаралари, вилоятда ижтимоий-иқтисодий, маданий-мәърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун

4. Тасвирий санъат асарлари бўйича

1-ўрин:

**Йўлдош Эгамов**, «Тасвирий ойна» ижодий ўзбекистонининг Бухоро вилояти бўлими раиси — Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигининг 21 йиллигига бағишиланган дизайн ишлари учун

5. Кино санъати асарлари бўйича

1-ўрин:

**Сабур Кутлимуратов**, Эркин ижодкор рассом (Коракалпогистон Республикаси) — Оролбўй худударида ҳаёт манзаралари тасвиранган асарлари учун

3-ўрин:

**Абдулло Ахмедов**, «Маҳорат мактаби» газетаси фотомуҳабири (Наманган вилояти) — «Истиқлол — наманганликлар тақдирида» мавзудаги фотопортажлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

**1. Шамсиддин Аликулов**, Каҳши маданият коллежи ўқитувчиси, рассом (Қашқадарё вилояти) — Бугунги қишлоқлардаги янгиланишлар акс эттирилган ижодий ишлари учун

**2. Фарруҳ Шарипов**, «Тасвирий ойна» ижодий ўзбекистонининг Навоий вилояти бўлими бош дизайнери — Мустаҳкам оила йилига бағишиланган ижодий ишлари учун

5. Кино санъати асарлари бўйича

1-ўрин:

**Шавкат Маҳбубов**, кинорежиссер — «Ватанга хизмат — муқаддас бурч» ҳамда «Маҳалла — ҳалк вижони» хўжатли фильмларидаги режиссёrlик ишлари учун

2-ўрин:

**Эргашбай Нормуратов**, ЎзМТРК «Ўзбектелефильм» студияси кинорежиссер асистенти — «Истебод ғунчалари» хўжатли фильмдаги режиссёrlик ишлари учун

3-ўрин:

**Райхон Уласенова**, Кино ва театр актрисаси — «Алданган аё» бадий фильмидаги ижро роли учун

Рағбатлантирувчи мукофот

**1. Баутдин Боймурзаев**, «Коракалпоғильм» киностудияси режиссёri — «Қайсар» ва «Эшжон баҳши» бадий фильмидаги режиссёrlик ишлари учун

**2. Миролим Қиличев**, киноактёр — «Жасур» бадий фильмидаги ижро роли учун

## Транспорт

### ЙЎЛОВЧИЛАР ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНИБ

Тошкент метрополитени намунали транспорт жамоаси сифатида яхши танилган. Бу ўринда «Тошкент» метро бекатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу ерда 30 га яқин ходимлар тўрт гурухга бўлинган ҳолда ҳамشاҳарларимиз ва унинг меҳмонларига ўюри маданий хизмат кўрсатишмоқда. «Тошкент» метроси бекати Шимолий темир йўл вокзали ёнида жойлашган. Бу ер ости қасри доим йўловчилар билан гавжум бўлади. Бекат навбатчилари зиммаларидағи масъулияти вазифани шараф билан уддалаб келмоқдалар. Бир кунда рехадаги 4 вагондан иборат ҳаракат таркибтарини кабул қилиб олиш ва уларни жўнатиш билан бир қаторда Беруний-Чалов бекатлари орасидаги 14,1 километрлик йўлнинг хавфисизлигини таъминлашга хам масъуль этилган. Ибратли ташкилотчилик, талаб ва ижро интизомининг ўнатилганлиги боис операторларнинг ишчанлиги сезилиб турибди. Шу ўринда фаррошларнинг меҳнатини ҳам фарз билан тилга олиш жоиз. Бекатни ораса саклаш, юриш йўллари ва деворларига ёпиширилган мармар тошларни, ўринидан ва суюнчиларни қилишда Карима Эргашева, Гулнора Сафаева ва бошқалар хизматдошларига намуна бўлишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қабса ўюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2008 йил 27 оқтабрдаги қарорига асосан касаба ўюшмалари тизимининг барча бўғинларидаги «Ёшлар кенгашлари» ўз фоилияни бошлаб юборди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон иштимол ташкилотлари тарзида ҳам шарҳловчи, мактабида қарор билан тармоқ касаба ўюшмаси «Ёшлар кенгаши»ни янгитдан ташкил этди, Кенгашининг Низоми тасдиқланди, шунингдек, тармоқнинг ҳудудий кенгашларидаги тегиши «Ёшлар кенгаш»лари фаолияти йўлга кўйлди.

Бугун тармоқ «Ёшлар кенгаши» ташкил этилганлигининг бир йиллигини нишонлаш, ўтган давор мобайнида амалга ошириланган ишлар сархибси ҳамда келажакда килинадиган ишлар ҳақида фикрлашиб олини.

Тармоқ касаба ўюшмаси корхона ва ташкилотларида меҳнат килаётган, ўтган давор мобайнида амалга ошириланган ишлар сархибси ҳамда келажакда килинадиган ишлар ҳақида фикрлашиб олини.

Ўзбекистон иштимол ташкилотлари ҳодимлари касаба ўюшмаси «2012 йил — Мустаҳкам оила йили» давлат дастурини бажариш мақсадида «Ёшларнинг оиласидаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда Мустакиллик ёшлар ҳаётида» мавзуси бўйича «Ёшлар анжумани»ни ташкил этди.

## Касаба ўюшмалари фаолиятидан

### ЁШЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ ВА ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

6 ойи мобайнида тармоқ ҳудудий кенгашларни оиласидаги долзарб муммалордан бири, бу уларни муким иш жойлари билан таъминланшиди. Шу мақсадда тармоқ «Ёшлар кенгаши» жойлардаги вилоят «Ёшлар кенгашлари» билан бирлашган «Устошшогирд» тизимини яратиш билан бирлашган муким иш жойлари билан таъминланшиди. Каттик назорат остига олган. 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича олинган мъалумотларга кўра, тармоққа қараши бўлган 645 та корхона ва ташкилотларидаги 22835 нафар ёшлар муким иш жойлари билан таъминланган.

Юқорида таъкидланганнидек, республикамиз ёшлари ва айниқса ёш оиласидаги ҳам шарҳловчи, мактабида қилинадиган ишлар ҳақида фикрлашиб олини.

Дилмурад ИСМОИЛОВ

## АБОНЕНТЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси мустакиллигининг 21 йиллик байрами арафасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси шу йилнинг 22-28 август кунлари мамлакатимизнинг турли худудларида «ягона ойна» принципи асосида фаолият юритадиган янга ийгира битта янги сотиш оғисларини ишга туширмоқда.

Пойтахтимиздаги 218-АТС биносида шундай офицерлардан бирининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг бирини А.Эшонхўаев истиқлол йилларидаги Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиздан ахборот соҳасида кенг кўламли ишҳоҳатлар оширилаётгандан таъкидлади.

Давлатимиздаги 218-АТС биносида шундай офицерлардан бирининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг бирини А.Эшонхўаев истиқлол йилларидаги Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиздан ахборот соҳасида кенг кўламли ишҳоҳатлар оширилаётгандан таъкидлади.

## МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!


Сизларни Истиклолийтизимиз

21 йилинк байрамни билан табриклаймиз.

Юрт ободлиши, халқ фаровониши  
йўнидаги фаолиятизизда олад ва баҳт  
ҳаттиша ҳатроҳиниз бўлсин.

Яхши кайфият ва табассум сизларни ҳег  
қагон тарк этмасин!

**“TO RA-SOBIR” МАСЬУЛИЯТИ  
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни азиз Ватанимизнинг

Энг улуғ ва қутлуг байрами —  
давлатимиз Мустақиллигининг йигирма бир  
йиллиги билан чин қалдан муборакбод этамиз.

Юртимизни юксалтириш, унинг құдратини  
ошириш, янада обод этиш йўнидаги ишларингизда  
улкан ютуқлар тилаймиз!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

**“SARDOR DIZAYN MONTAJ” МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**





## Спорт янгиликлари

### ТАИЛАНДЛИК ҲАҚАМЛАР БОШҚАРАДИ

Футбол ишиқбозларига маълумки, жорий йилнинг 11 сентябр куни Тошкентда Ўзбекистон — Жанубий Корея миллий терма жамоалари ўртасида жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг тўртинчи босқичи учунчи тур баҳси бўлиб ўтди.

Ушбу муҳим беллашувга тайёргарлик кўраётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 7 сентябр куни Қувайт миллий терма жамоаси билан пойтахтимизда назорат-ўртоқлик учрашувда куч синашади. Шуниси ёзтиборлики, Таиланд фут bolt федерацияси мазкур ўртоқлик ўйинини ФИФА таснифидаги таиландлик ҳақамлар гурухи бошқарб бориши таклифи билан Ўзбекистон футбол федерациясига таклиф билан мурожаат килди ва ушбу таклиф қабул қилинди. Шундай қилиб учрашувда бош ҳақамлик Чайя Маҳарабга юқлатилса, унга ватандушлари Таном Борикут, Тавил Инкав ёрдам беришади.

**Жорий йилнинг 1-18 нообрь кунлари Таиландда футзал бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.**

### ШУХРАТ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

Шуниси қуонарлики, ҳамюртимиз, футзал бўйича ФИФА рефериси Шуҳрат Пўлатов футзал бўйича жаҳон чемпионатини бошқариши мумкин бўлган ҳақамлар рўйхатига киритилди. Ушбу нуғузли турнирда Осиёдан 8 та ҳақам жаҳон чемпионатига

таклиф этилганини инобатга олганда Шуҳрат Пўлатовга билдирилган ишонч мамлакатимизда футзал бўйича ҳақамлар савиаси ҳам йил сайн ошаётганигидаги далолатdir.

Акбар Йўлдошев

### Ҳамкорлик

### МАРКАЗ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

Пойтахтимизда француз маданиятини маркази фаолият кўрсатадиганга 20 йилдан ошиди. Машхур француз ёзувчиси Виктор Гюго номи билан аталаётган ушбу маскан ўзбек-француз ҳалқлари дўстлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор ибратли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида марказ саъй-ҳаракати билан қатор тўплам ва буклетлар чоп этилди. «Франция билан Ўзбекистон ўртасида маданий-илмий ва техник ҳамкорлик жараёнлари» деб номланган рисола ҳам босма юзини кўрди.

«Ўзбекча-французча луғат»нинг таждид этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Ушбу луғат дастраси Франциядаги босиб чиқарилди. Орадан кўп ўтмай унинг тўлдирилган янги нашри Тошкентда чоп этилди. Унда 15.000 сўз ва иборага изоҳ берилди.

**Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олдидан республикамизнинг барча худудларида тозалаш ва ободонлаштириш ишлари қизгин олиб борилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар, мактаб-боғчалар, истироҳат боғлари ва бошқа жойларда кенг кўламли ҳашарлар ўтказилаётir.**

Юртдошларимизнинг шахримиз кўргига кўрк қўшиш учун амалга ошираётган ишлари таҳsingа сазовор албатта. Бирок айрим кишиларнинг эътиборсизлик килиб ахлат уюмларини ёқиши оқибатида баъзан ёнгинар чиқиши, атроф-мухит, экологияга зарар этиши кузатилмоқда. Жумладан, ёнгинар хавфсизлиги хизмати бўлимiga кейнинг вактда фуқароларнинг билимий ҳаонларни, куриган ўт-ўланлар ва чиқиндиларни ёқиши сабабли ёнгинар чиқишлиги тўғрисидаги хабарлар тез-тез келиб туриди.

ИИВ ёнгинар хавфсизлиги бош ҳақамасининг маълумотларига кўра, Республика миёсида жорий йилнинг ўтган даврида 6854 та ёнгин содир бўлган. Шундан 859 таси Тошкент шаҳрида юз берган. Бу ёнгинар асосан ёзининг иссиқ кунларида йигилиб қолган ахлат ва шох-шаббалар устига тамаки қолдикларини ташлаш, болаларнинг гугурт ўйнаши ҳамда айрим кишиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида ахлатни

ёқиб юбориши натижасида келиб чиқсан. Жорий йилда пойтахтда ёш болаларнинг шўхлиги ёки оловдан эътиёtsизлик билан фойдаланганлиги оқибатида 418 та ёнгин содир бўлган.

**САЛОМАТЛИК ГАРОВИ**

— Шу йилнинг июн ойида Чилонзор тумани «Бешёоча» маҳалласида 200 квадрат метр майдондаги куриган ўтлар ёниб кетиши ҳолати кузатилган, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЎҲБК 14 ХЕҲК смена бошлиғи, капитан Шерзод Ибрагимов. — Шунингдек, жорий йил июн ойида Олмазор тумани «Чимбой-2» маҳалласи Чимбой-2 маҳалласида 130 квадрат метр майдондан иборат қамишзор ёниб кетган. Ҳозирда ушбу ёнгин сабаблари ва зарари аниқланмоқда. ИИВ ёнгинар хавфсизлиги бўлимлари ходимлари ёнгинарни ўз вақтида ўчириб, оқибатла-

чоп этилган китоблари билан танишиш мумкин. Сайд Аҳмаднинг «Уч ўртоқ», Мирмуҳсиннинг «Мемор», Тоҳир Маликнинг ҳикоялар тўплами каби асарлар шурада жумласидир. Ўтказилган мониторингда магнитофон ленталарига ёзиг олинган кассеталар рўйхати ҳам ёзлон килинди.

Компьютер техникаридан фойдаланиши дастури ҳам тайёрланди.

Кўзи ожизлар республика жамияти ҳам бу хайрли ишдан четда тургани ўйқ. Жамият ўйлы билан кутихонага талайгина ёзувли кассеталар тақдим этилди.

Аҳмад ОБИДОВ

рини бартараф этишига ҳаракат қилишмоқда. Агар ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилиб тезкор фаолият олиб борилмаса, ёнгинар оқибатида фожия келиб чиқиши, аҳоли турар жой обектларига жиддий зарар этиши мумкин. Шунингдек, ахлат-чиқиндилар ва куриган ҳаонларнинг ёниши натижасида ҳаога кўтарилган зарарли тутун ва ис газлари фуқароларнинг, айниқса болаларнинг саломатлигига пуртур етказди. Бунинг оқибатида турли алергик жарайнлар, нафас сикилиши, кўнгил айниши, кўз шиллиқ қаватининг заарланиши ҳолатлари келиб чиқиши мумкин.

— Ёнгинар сабабли табият, экология издан чиқади. Экин майдонларнинг ёниши натижасида эса қишлоқ ҳўжалиги ҳам жиддий зарар кўради, асосийси, инсонлар ҳаётни ҳаф остида колади, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЎҲБК 14 ХЕҲК инспектори катта сержант Рустам Ахмедов. — Шунинг учун фуқаролардан ҳар доим огох бўлишни, ёш болаларни назоратсиз колдирмаслик, чиқиндиларни ёқмаслини илтимос килалини. Огохлик ва эътиёткорлик ёнгинарнинг олдинги, экологик тозалик, атрофимиздаги инсонларнинг соғлиғи, шаҳримиз ободлиги учун ниҳоятда муҳим.

Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Туркестон-пресс»

## ОЗ-ОЗ ЎҶГАНИД домо бўяур

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Кулфатнинг давоси меҳнат.

Кайфиятинг бўлмаса, ишламай чарчайсан.

Ўзингга келиб олишинг учун ҳам вақт керак.

Кўзи оч кимса бехосият бўлади.

Яхши ўзини ёмон дейиши мумкин, лекин ёмон ҳеч қачон ўзини ёмон деб ўйламайди.

Ҳасадгўйнинг ҳаловати бўлмайди.

То ишинг тушмагунча бироннинг қандайлигини билмайсан.

Еб-ичишга кетган вақт — энг бехуда кетган вақт.

Бир сарфлаган пулингга ачинма,

Бир ўтган умрингта.

Ишларинг юришгани сари душманларинг ҳам кўпайиб бораверади.

Эҳтиёткорлик ҳеч қачон зарар қиласайди.

Ҳасадгўйнинг кўнгли зулматда қолган ўйга ўхшайди.

Ҳасадгўйга душман керак эмас.

Бир оғиз ёмон сўз юракни ўқдай тешиб ўтди.

Ҳеч кимнинг ёмон бўлгиси келмайди.

Яхшилик ҳар қанча катта бўлса ҳам тезда унутилади.

Ёмонлик заррадай бўлса ҳам бир умр хотира га мурланиб қолади.

Ҳаёт — курашдан иборат: кимгадир яхши бўлсанг, кимгадир ёмон бўласан.

Ҳаммага бирдай яхши бўлишга уринган киши мунофикдир.

Ўзингни минг ўтга-чўққа урма, ҳар қандай иш ўз вақти-соатида бўлади.

Қатъиятда гап кўп.

Муте кимсада журъат бўлмайди.

Майда нарсаларга андармон бўлган катта нарсаларга эришмайди.

Мехру оқибат кўрсатиш учун ҳам имконият бўлиши керак.

Яхшининг умри қиска, ёмоннинг умри узун бўлади.

Чунки ёмон яхшининг умрини эговладида.

Одам танимаган биронни қадрламайди ҳам.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 25 августан шаҳри Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар об-ҳаво

мұхитидар шароити шаҳар модда-ларнинг бир оз ўзгари туради, ёғинларни кетишига имконият яратади. Атмосферанинг шароити шаҳарнинг даражаси 1-3 фоиз пасайши таҳмин килинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.